ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДАН

Ф.Н.Эрназаров

Мақолада советлар ҳукмронлиги даврида Ўзбекистоннинг халқаро алоқалар имкониятларини ўта чекланган, бу ҳолатнинг ўрганилиши мамлакатимизнинг хориж давлатлари билан муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *ташқи сиёсат, Марказий Осиё, ҳамкорлик, маданий алоқалар, хорижий мамлакатлар, мафкура.*

В статье освещены ограниченные возможности международных отношений Узбекистана в советский период и значение объективного изучения подобного положения в развитии добрососедских отношений с зарубежными странами.

Ключевые слова*: внешняя политика, Центральная Азия, сотрудничество, культурные отношения, зарубежные страны, идеология.*

The history of limited opportunities of international relations of Uzbekistan during the soviet period and the importance of objective study such situation in developing good neighborhood relations with foreign countries have been discussed in this article.

Key words: *foreign policy, Central Asia, cooperation, cultural relations, foreign countries, ideology.*

Ўзбекистон Республикасининг истиқлол йилларидаги тараққиёти ва бугунги ривожланиш даврининг энг муҳим хусусиятларидан бири мамлакатимизнинг узоқ ва яқин хориж давлатлари билан дўстона муносабатлар ўрнатиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган ташқи сиёсат олиб бораётганидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясиининг 72-сессиясидаги нутқининг мазмун-моҳияти ана шундан далолат беради. Унда таъкидланганидек: “Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, очиқ мулоқотга тайёрдир. Биз барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз” [1]. Шу билан бирга, нутқда мамлакатимизнинг бутун дунё, айниқса, Марказий Осиё давлатлари билан алоқаси жадал ривожланаётганига алоҳида аҳамият қаратилгани ва “Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир” [1] дея таъкидлангани ҳам асло бежиз эмас. Зеро, Осиё давлати, Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган мамлакат сифатида “Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир”.

Афсуски, бу борада Президент нутқида таъкидланган ушбу фикрлар учун асос бўлган бугунги воқелик билан яқин ўтмиш, яъни собиқ Иттифоқ давридаги ҳолатнинг фарқи ниҳоятда катта, албатта. Мамлакатимизнинг нафақат Марказий Осиё, балки бутун Осиё халқлари ва давлатлари билан ўзаро алоқалари ва халқаро муносабатларининг илдизлари узоқ тарихга эга бўлса-да, Ўзбекистоннинг советлар ҳукмронлиги даврида халқаро маданий алоқалари тарихига назар ташлар эканмиз, бу йўналишдаги изланишлар, ўрганишлар ва таҳлилларнинг ҳаммаси ўша давр сиёсати ва мафкураси талаблари руҳи билан ҳамоҳанг, қолаверса, ўша давр таъсир-тазйиқи остида, фақат бирёқлама амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз. Бу эса умумэътироф этилган тарихий холислик тамойилларига тамомила зид бўлиб, ушбу соҳадаги илмий изланишларнинг давлатимизнинг бугунги ташқи сиёсати тарихини ҳаққоний ва холисона ўрганиш нуқтаи назаридан тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга эканидан далолат беради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши туфайли тарихий ҳақиқатни тиклаш учун Ватанимиз тарихини янгича ва холисона ўрганишга кенг имкониятлар пайдо бўлди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида XX асрнинг сўнгги йилларида юзага келган кескин ва ижобий ўзгаришлар тарих фанига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди. Натижада тарих фанининг мақсади ўзгарди, вазифалари доираси кенгайди. Тадқиқ этилиши

лозим бўлган мавзуларнинг қамров доираси сезиларли масштабда кенгайди.

Янги тарихий давр юзага келтирган имконият тарихчилар олдига миллат ва халқнинг ўтмишини миллий мустақиллик мафкураси талаблари асосида талқин этиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш масъулиятини юклади. Айниқса, совет мустабид тузумнинг ҳукмрон сиёсий мафкураси тазйиқи остида тарихий ҳақиқатни сохталаштириш, мустабид сиёсий тузум тарихини кўкларга кўтариб тарғиб қилиш ҳолатларига барҳам берилиб, ўтмиш воқеаларини ёритишда халқ ҳаётининг барча ютуқ ва камчиликларига холисона янгича ёндашув талаб этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг яқин ўтмишдаги халқаро маданий алоқалари тарихини ҳам ҳар томонлама ойдинлаштириб таҳлил этиш шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб бораётгани давр тақозосидир.

Бугунги кунда халқаро муносабатлар тизимидаги маданий алоқалар ривожи муаммоларига холисона илмий ёндашув масаласига нафақат ватанимиз, балки жаҳон тарихи фанида ҳам катта эътибор берилмоқда. Айни вақтда, ўтган совет ҳукмронлиги давридаги халқаро муносабатлар, хусусан, Ўзбекистоннинг шу йўналишдаги тарихини эндиликда ҳаққоний, холис ва ҳатто қайтадан ўрганиб чиқиш, илмий тадқиқ этиш ҳамон муҳим бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон майдонига чиқиш, шунингдек, хорижий давлатлар билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйишдаги тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш энг муҳим тарихий-илмий тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Шуни унутмаслик жоизки, Ўзбекистоннинг бугунги кундаги халқаро майдонга чиқишининг асоси бўлмиш яқин ўтмишдаги халқаро муносабатлар, хусусан, Осиё давлатлари билан олиб борган маданий алоқалари тарихини, мустақиллик даври нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил этиш, унга илмий ва холисона баҳо бериш ҳам шу куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу концептуал ва парадигмал характердаги вазифалар замирида мамлакатимизнинг собиқ Иттифоқ таркибидаги ташқи сиёсати тарихи, яқин ўтмишда босиб ўтилган зиддиятли ижтимоий фаолият қирралари, уларнинг пировард натижаларини ҳар тарафлама батафсил ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, ҳаққоний, объектив жиҳатларини ёритиб бериш вазифаси ҳам ётади. Хусусан, кўп миллатли Ўзбекистоннинг маданий алоқалар тарихини ўрганиш ҳам, табиийки, бундан мустасно эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш ва демократик жамият қуриш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда тарих фанида ўтмишдаги тарихий воқеа ва ҳодисаларга илмий жиҳатдан тўғри ва холисона баҳо бериш муҳим аҳамиятга моликдир. Айни пайтда, яқин тарихимиздан маълумки, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида туриб халқаро майдонга ўз ихтиёри билан чиқиш имкониятига эга эмас эди. Республика ҳамда унинг барча маданий муассасалари, ташкилотлари фаолият йўналишлари бўйича хориж давлатлари билан ўзлари мустақил ҳамкорлик ўрнатиш имкониятидан маҳрум этилган эди. Ўзга мамлакатлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган барча маданий алоқалар ва тадбирлар фақат марказнинг рухсати билан ва назорати остидаги амалга оширилган.

Ўзбекистоннинг хориж давлатлари билан советлар даврида ўрнатган маданий алоқалари тарихига назар ташланса, бу тарих XX асрнинг 20-йилларидан бошланган бўлиб, ўшанда Тошкент шаҳрида чет мамлакатлар билан маданий алоқалар жамиятининг Ўрта Осиё бўлими ташкил топган эди. Бу бўлим 1947 йилдан “Ўзбекистон бўлими”, 1953 йилдан эса “Ўзбекистон жамияти” деб атала бошланган. Мустақилликка эришилгандан сўнг бу жамият моҳиятан ва шаклан ўзгариб, у Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши номи билан атала бошланди [2].

Ўзбекистон ССРнинг совет ҳокимияти давридаги маданий ҳаётини ўрганишнинг долзарблиги Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил 18 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида “Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги қарорида ҳам алоҳида қайд этилди [3]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида ҳам совет мустабид тузуми давридаги маданий ҳаётни ҳар томонлама ўрганиш лозимлиги таъкидланди [4].

Маълумки, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий тараққиётнинг барча жараёнларида коммунистик партия мафкураси ҳукмронлиги таъминланиб, “буюк давлатчилик” амалиёти жорий қилиб борилди. Ушбу сиёсат халқ таълими тизими, адабий-бадиий муҳит, миллий санъат масалалари ва маданий-оқартув муассасалари тизимида ҳам тўла аксини топди. 1945-1991 йиллар собиқ Ит-

тифоқ халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқлари тарихидаги салкам 45 йиллик ўта зиддиятли ва чигал даврни – “социалистик тажриба”ни ўз бошидан кечиришга мажбур бўлди. Бу даврда ҳийла ниқобланган, “пардозланган” мустамлакачилик сиёсати нафақат республика иқтисодий ривожланишининг бир томонлама бўлишига, шунингдек, ўзбек халқининг миллий маданий қадриятлари, бой маънавий мероси ва қадимий урф-одатларининг унитилишига ҳам сабаб бўлди. Энг ачинарлиси шундаки, Иттифоқ Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон хорижий малакатлар билан ташқи муносабатларга мустақил киришиш ҳуқуқига эга бўлган суверен республика ҳисобланишига қарамасдан, амалда халқаро майдонга мустақил равишда чиқиш имкониятлардан бутунлай маҳрум этилди, яъни ташқи сиёсатга доир давлат институтларига, ташқи алоқаларни ўз ихтиёри билан ўрнатиш ҳуқуқига эга бўлмади. Мазкур ҳолатлар Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларига салбий таъсир этмасдан қолмади.

Шу билан бирга, салкам ярим аср мобайнида мафкуравий тўсиқлар, мафкуравий чеклаш, турли хил камситиш ҳолатларига қарамасдан, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан ўрнатган маданий алоқаларидан ўз миллий манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилди. Яъни халқимизнинг бой маданияти билан Осиёдаги қатор мамлакат халқларини таништирди ва, айни пайтда, уларнинг миллий маданияти билан танишиш имкониятларига эга бўлди. Бу жиҳатдан халқимиз тарихининг урушдан кейинги то давлат мустақиллигига эришгунча бўлган даврини бир хилда баҳолаб бўлмайди. Шу боис биз ўрганган давр совет тузуми ёки “коммунистик партия” тарихи сифатида эмас, балки заҳматкаш, ватанпарвар ва фидокор халқимиз тарихи сифатида тадқиқ қилиниши лозим.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72- сессиясидаги нутқи. / Халқ сўзи.- 2017.- 20 сентябрь.
2. ЎзР МДА, Р.2037-фонд, 1-рўйхат, 2324-иш, 34-варақ.
3. Халқ сўзи.- 1996.- 19 сентябрь.
4. Халқ сўзи.- 1998.- 28 июль.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 2017 йил 21 октябрда қабул қилинган (Тақризчи: доц. О.Комилов)